

## Никоҳга мажбурлаш йўқ



09:30 / 18.01.2025 7901

Совчилик ишлари, юқорида зикр қилинганидек, доимо енгил кўчавермайди. Баъзи ҳолатларда бир оиланинг ўзининг ичида ҳам фикр ва рағбатлар тўқнашиб қолиши рўй беради. Гоҳида ота-онага ёққан келин куёв бўлмиш фарзандга ёқмай қолиши ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин. Бугунги кунимиз воқеълигида бу муаммони тез-тез учратиб турибмиз.

Ўзимизга интернет тармоғи орқали келган саволлардан бирини эътиборингизга ҳавола қилишга ижозат бергайсиз: «Бир киши қизини дўстининг ўғлига беришни аҳд қилган. Қиз мўмина бўлиб, бир солиҳ йигит билан турмуш қурмоқчи экан. Ота қизнинг кўнглига қарамай: «Дўстимнинг ўғлига тегмасанг, сени оқ қиламан», - деди. Шундай вақтда отага қулоқ солиши керакми? Отанинг оқ қилиши тўғрими ёки нотўғрими?»





نَأْ دَارًا إِذَا مَلَ سَوْ هِيَ لَع هَلْ لَ اِ لْ صَدَّ هَلْ لَ اِ لْ وُسْرَ نَا كَ : تَلَا قَ اَهْ نَعُ هَلْ لَ اِ يَضْرَعُ شَيْءٌ اَعْنَ عَ اَهْ يَمْسُيْ ، هَ اَلْفُ رُكْدِي اَن اَلْفُ نَ : اَلْ اَقَفْ ، اَهْ رِيْخَ يَلْ اِ سَلَجَ هَ تَا نَبْ نَمَ اَيُّ شَيْءٍ جَوْرِيْ اِذْ اِ فْ ، رُتَّ سَلْ اِ تَرَقْنَ تَهْرَكَ يَهْ نَا وُ ، اَهْ جَوْرُ تَتَكَ سَيَهْ نَ اِ فْ اَهْرَكَ ذِيْ دَلْ اِ لْ جَرْلَا يَمْسُيْ وُ يَلْبَنْ حُ نَبْ دَمَّ اُ هَا وُرْ . اَهْ جَوْرِيْ مَلْ هَ تَرَقْنَ

*Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон қизларидан бирортасини узатмоқи бўлсалар, унинг пардаси олдига ўтириб, «Фалончи Фалонани зикр қилмоқда», деб, унинг ҳам, уни зикр қилган эркакнинг ҳам исмини айтар эдилар. Агар у сукут сақласа, никоҳлар эдилар. Агар у қиз ёқтирмаса, пардани чертар эди. Қачон қиз пардани чертса, уни никоҳламас эдилар».**

*Аҳмад ривоят қилган.*

Оламларнинг сарвари, Роббул оламийнинг Расули бўлган зотнинг ўз қизлари билан никоҳ, оила қуриш борасида қилган муомалаларига назар солинг. Қандай юксак одоб! Қандай олий маданият! Қизларнинг одобини, ахлоқини кўринг!

اَيُّ لَ اَقَ فْ مَلَ سَوْ هِيَ لَع هَلْ لَ اِ لْ صَدَّ يَبْنُ لَ اِ لْ اِ لْ جَرَّ اَ اَجْ : لَ اَقَ هَلْ لَ اِ لْ دَبَّ عَ نَبْ رِبْ اَجْ نَعُ نَحْنَ وَ رَسُ عُمُ لَ اِ يَوَّ هَ يَهْ ، رَسُ عُمُ وُ رَسُ وُمُ نَ اَلْ جَرَّ اَهْ بَطَخْ دَقُّ هَمَّ يَتِيْ اَن دَنْ عَ ، هَلْ لَ اِ لْ وُسْرَ لُ ثَمَّ نَبَّ اَحْ تُمُّ لَلْ رِيْ مَلْ : مَلَ سَوْ هِيَ لَع هَلْ لَ اِ لْ صَدَّ هَلْ لَ اِ لْ وُسْرَ لَ اَقَ فْ ، رَسُ وُمُ لَ اِ يَوَّ هَ نَ : هَ اَمَّ نَبْ اُ هَا وُرْ اَحْ اَلْ نَ لَ اِ

*Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир киши келиб:**

**«Ё Расулуллоҳ! Бизнинг бир етим қизимизга икки киши - бир бой ва бир камбағал совчилик қилди. У камбағални истаяпти, биз бойни истаяпмиз», - деди.**

**Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Севишганлар учун никоҳга ўхшагани кўрилмаган», - дедилар».**

*Ибн Можа ривоят қилган.*

Бу ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етим қизнинг кўнглига қанчалик эътибор берганларига қаранг! Ким бўлишидан қатъи

назар, инсоннинг кўнгли бор. Унинг риоясини қилиш керак.

Аmmo, ушбу ўта муҳим масаланинг иккинчи тарафи ҳам бор. Бунда болаларнинг ота-оналарига қарши чиқишлари ноқулай ҳолатга сабаб бўлади.